ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Б.С.Ганиев

Мақолада хусусий тадбиркорликнинг ижтимоий аҳамияти ёритилиб, ривожланишидаги асосий тенденциялар, уни қўллаб-қувватлашнинг асосий йўналишлари кўрсатилган. Ўзбекистонда хусусий тадбиркорликнинг шаклланиш жараёни таҳлил қилиниб, ривожланиш босқичлари белгиланган.

***Калит сўзлар**: хусусий тадбиркорлик, кичик бизнес, бозор, товар ва хизматлар.*

В статье подчеркивается социальная значимость частного предпринимательства, рассматриваются тенденции его развития; указываются основные направления поддержки частного предпринимательства. Проводится анализ становления и выделены этапы современного развития частного предпринимательства в Узбекистане.

***Ключевые слова**: частное предпринимательство, малый бизнес, рынок, товары и услуги.*

The article emphasizes the social importance of small business, the basic tendencies of its development; identifies the main areas of support of small business. The analysis highlighted the stages of formation and modern development of small business in Uzbekistan.

***Key words**: private entrepreneurship, small business, market, products and services.*

Мустақиллигимиз меваси бўлган “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, мамлакатимиз иқтисодиётида нафақат ҳал қилувчи ўрин эгаллади, айни вақтда бозорни зарур товар ва хизматлар билан тўлдириш, одамларнинг даромадлари ва фаровонлиги ошиб боришининг асосий манбаига, аҳоли бандлиги ўсишининг энг муҳим омилига айланди ”,- дейди И.А.Каримов.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 февралда қабул қилинган “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” Давлат дастури тўғрисидаги қарорида такидланганидек “... кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятдаги иштирокини кенгайтириш масалаларини тубдан ҳал этиш, уларнинг экспорт салоҳиятини оширишга, экспортга мўлжалланган маҳсулотини жаҳон ва минтақавий бозорларга олиб чиқишга кўмаклашиш” асосий устувор йўналишлардан бири ҳисобланади [3]. Тадбиркор бўлиш ва бизнес билан амалда шуғулланиш учун маълум миқдорда пулга ёки ишлаб чиқариш воситаларига эгалик қилишнинг ўзи камлик қилади, чунки тадбиркорлик пулдан тўғри ва оқилона фойдалана билиш, уни тўғри тақсимлаш ва «пулдан пул ясаш» орқали фойда олишдир. Дунё мамлакатларидаги тажрибалар шундан далолат берадики, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш тадбиркордан юксак даражадаги қобилиятни, ақлни, ўйлаб иш қиладиган доимий изланишни, ҳалол ва виждонли бўлишни, ўз фаолиятига ижодий ёндашишни талаб қилади.

Ҳозирги даврда тадбиркорлик маълум бир давлат ёки минтақанинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш сиёсати йўналишларига боғлиқ бўлиб қолмоқда. Ушбу хусусиятлар Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш даврида қуйидагиларда ўз аксини топмоқда: биринчидан, иқтисодиётда мулкчиликнинг хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес, деҳқон, фермер хўжаликлари, қўшма корхоналар, акциядорлик жамиятлари каби шаклларининг устувор ривожланиши тақозо этилаётган бўлса, иккинчидан, тадбиркорликнинг хўжалик юритиши нуқтаи назаридан бозорни тадқиқ қилиш ва фаолиятини оқилона юритиш ва бошқариш масалалари долзарб эканлиги намоён бўлмоқда. Тадбиркорларга яратиб берилаётган имтиёз ва кенг имкониятлар натижасида Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик жадал ривожланиб бормоқда.

Тадбиркор – ўз ишининг устаси, эпчил, уддабурон шахс, ишбилармон инсон. Халқимиз иборaси билан айтганда, бундай шахс ишнинг кўзини билади, фаолиятига тўғаноқ бўлиб турган тўсиқларни енгиб ўтишнинг уддасидан чиқа олади, ақлий меҳнат қилиб, кўп фойда олиш йўлларидан хабардор бўлади. Ушбу фазилатлардан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, тадбиркор шахс – таваккал қилиб иш кўришга мойил инсон. Таваккалчилик, ўз навбатида, унда мардлик, тантилик, қўли очиқлик, жўмардлик, меҳр-мурувватлилик ҳис-туйғуларини тарбиялайди. Шунинг учун ҳам қадимда ишбилармон ва тадбиркор одамлар халқимиз томонидан доимо эъзозу икром қилинган, ҳурмати жойига қўйилган, ҳатто оғзаки ижод намуналарида бу каби уддабурон, эпчил ва ҳозиржавоб, мардлик намунаси бўлган кишиларнинг жонли бадиий образлари яратилган. Президентимизнинг “Тарихий хотирасиз келажак йўқ” асарида ҳам бу нарса халқимизнинг минг йиллар давомида шаклланган миллий ўзига хослиги, белги-хусусиятлари мисолида кўрсатилган: “Ўзбекнинг феъл-атвори барчага аён. У ерни, табиатни севади. Дўпписида сув ташиб бўлса ҳам, дарахт кўкартиради. Ўзбек том маънода бунёдкордир [2.16].”

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари бозорга тезда мослашувчан бўлади, яъни бозорда нима харидоргир бўлса, шундай маҳсулот ишлаб чиқаради. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни шакллантиришда ишчи ўрнини ташкил қилиш катта маблағларни талаб этмайди. Бу эса ишсизлик муаммосини ҳал қилишда асосий роль ўйнайди. Хусусий мулкчиликка асосланган жамиятда фуқароларнинг мулкка бўлган англами ўзгаради, натижада фуқаролар тадбиркорлик билан шуғулланишга, ҳалол пул топишга интилади. Тадбиркорлар тили билан айтганда «Нима ишлаб чиқариш эмас, нима сотиш керак» деган ғоя билан фаолият кўрсатадилар. Бунинг натижасида улар тезда фойда кўра бошлайдилар. Шунинг учун ҳам Ш.Шодмонов, У.Ғофуровлар: «Тадбиркорлик фаолияти – шакли ва соҳасидан қатъи назар фойда олиш ва ундан самарали фойдаланиш мақсадига қаратилган иқтисодий фаолиятдир»,- деб ёзадилар [4.137].

Ривожланган мамлакатлар тажрибасининг кўрсатишича, кичик бизнеснинг самарали ривожланишига эришиш учун зарур тадбиркорлик фаоллиги таъминланишининг ташкилий-иқтисодий асосларини такомиллаштириш зарур. Шунинг учун ҳам М.С.Қосимова ва М.А.Юсуповлар «Кичик бизнеснинг самарадорлиги кўп жиҳатдан унинг бошқарув тизими мукаммаллиги билан узвий боғлиқдир» [5.61] деб таъкидлайдилар. Тадбиркорлик фаоллигининг миқдорий пировард натижаси бозор талабларидан келиб чиққан ҳолда маҳсулот ва хизматлар ишлаб чиқарилишида эришилган меҳнат унумдорлиги даражаси, маҳ-

сулотнинг сотилишидан олинган фойда миқдори ҳамда эришилган самарадорлик даражаси билан белгиланади. Ғарб иқтисодчиларининг тадқиқотлари шуни кўрсатадики, ҳар 100 ишбилармондан фақат 4 тасигина бой ва пулларини ўз қўлларида сақлаб қола олган кишилардир. Ҳар юз ишбилармондан 20 таси 35 ёшида бадавлат бўлишга эришади, аммо улардан 16 таси кейинчалик қандайдир йўллар билан мол-давлатларини қўлдан чиқариб юборадилар. Ўртача ишбилармон 50 ёшга қадар пул топади, ундан кейин эса топган пулларини йўқотади. Бу ишбилармонларнинг кўпчилиги бизнес, яъни пул топиш санъатини ўрганиб, аммо уни сақлашни ўрганмаганидан далолат беради [6.60]. Тадбиркорлик субъектлари ўртасида доимо рақобат мавжуд, натижада тадбиркор бозорга сифатли, арзон маҳсулот чиқаришга мажбур бўлади. Бу эса халқимизнинг фаровон ҳаёт кечириши учун жуда катта аҳамиятга эга.

Тадбиркорликнинг ҳам инсон ҳар қадамда дуч келадиган ғоят мураккаб қонуниятлари, тартиби, принциплари ва қоидалари кўп.

Тадбиркорлик бирон бир субъект томонидан тартибга солиниб турилса-да, тасодифлардан холи бўлиши мумкин эмас. Тадбиркорнинг бу тасодифларни ҳисобга олиб иш юритиши кўп ҳолларда муваффақиятнинг гарови ҳисобланади. Дарҳақиқат, тадбиркорликнинг қонунлари, принциплари ва қоидалари қанчалик чуқур эгалланса, хатарга шунчалик кам йўлиқиш, йўлиққан тақдирда ҳам ундан кам талофатлар билан чиқиш мумкин бўлади. Тадбиркор ўз хоҳиш-иродаси ва фаолиятини эркин амалга ошириши учун ижтимоий тараққиёт қонунларини билиши ва ўз фаолиятини унга тўлиқ мослаштириши керак. Шу маънода, тадбиркорнинг ўзи яшаётган жамиятни ривожлантириш мақсадида ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий қонунларни билиши талаб қилинади. Тадбиркорлик фаолияти эркинлиги энг аввал конституциявий жиҳатдан кафолатланган. Мустақиллик йилларида тадбиркорликнинг мустаҳкам ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий асослари яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида, хусусан, унинг «Иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар», «Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари», «Жамиятнинг иқтисодий негизлари», «Жамоат бирлашмалари» бобларида у ёки бу тарзда жамиятимизда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи ҳуқуқий ва жисмоний шахсларнинг эркинликлари ҳуқуқий жиҳатдан кафолатланган. Асосий Қонунда ифодаланишича, давлат иқтисодий фаолият, тадбиркорлик эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баробар муҳофаза этилишини кафолатлайди. Ҳақиқатан, ҳозирги пайтда давлат тадбиркорлик фаолиятига турли назорат органлари вакилларининг ноқонуний аралашувларини, улар фаолиятини текширишни имкон қадар чеклаб қўйган. Тадбиркорлик фаолияти фақатгина қонунда рухсат этилган ҳоллардагина текширилади. Шунингдек, тадбиркорлар фаолиятининг иқтисодий асоси бўлган хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Ҳар бир мулкдор ўз мулкига эгалик қилишни, ундан фойдаланишни ва тасарруф этишни ихтиёрий равишда қонун доирасида ўзи ҳал қилади.

Ўзбекистонда кичик ва хусусий бизнесни ривожлантириш муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга. Зеро, бу, биринчидан, жамиятда ҳам, иқтисодиётда ҳам сиёсий вазиятни мўътадиллаштиришга ёрдам берадиган тадбиркорлар синфининг пайдо бўлиши демакдир; иккинчидан, бу бозорни зарур истеъмол товарлари ва хизматлари билан бойитишдир; учинчидан, бу янги иш ўринларидир [1.197]. Шунинг билан бирга, Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда муайян тажрибага эришилган бўлса-да, кичик ва хусусий бизнес субъектлари фаолиятини маъмурий органлар томонидан тартибга солиш механизми такомиллаштиришни тақозо этади. Давлат институтларида маъмурий тўсиқларнинг мавжудлиги хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига бевосита таъсир этиб, транзакцион ҳаражатларнинг кўпайишига олиб келади. Тадбиркорлик субъектлари янги маҳсулот ёки хизмат турининг бунёд этилиши учун бошланғич нуқтадир. Тадбиркор ўз ғоясини амалга татбиқ этишга уринади, муваффаққият қозонса, унинг бизнеси ўсади ёки ишлаб чиқариш маҳсулоти каттароқ фирма томонидан сотиб олинади. Шунингдек, кичик ва хусусий бизнес корхоналари маҳаллий эҳтиёжларни қондиришга мослашади ҳамда ушбу соҳа фаолияти билан шуғулланиш тадбиркор тажрибасини орттиради, тажриба эса кейинчалик каттароқ миқёсда қўл келиши, асқотиши мумкин. Ўз навбатида, оммабоп маҳсулотлар ўрнига ҳунармандлар шахсий режа бўйича ишланган маҳсулотларини таклиф этишлари мумкин. Шу билан бирга, кичик ва хусусий бизнес субъектлари ўз истеъмолчисига шахсан муҳим бўлган хизматларни таклиф этади. Маънавий-ахлоқий жиҳатдан олиб қараганда, якка мулкдорлар истеъмолчиларнинг ишни яхши бажарилишидан манфаатдорлигидан кўра кўпроқ ишончларига таянади.

Кичик ва хусусий бизнес корхоналарининг ривожланиши бозор иқтисодиёти тизимининг тар-

кибий қисми ҳисобланиб, соф рақобат муҳитини яратади. Унинг бозор ҳолати ўзгаришларига тезда мосланувчанлик, эгилувчанлик, энг янги техника ва технологияни ишлаб чиқаришга тезда жорий қилиш хусусиятлари мамлакатнинг иқтисодий потенциалини кўтаришга катта ҳисса қўшади. Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, уларнинг ички ва ташқи бозорда рақобатлаша оладиган, сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишни изчил йўлга қўя оладиган мустаҳкам иқтисодий соҳага айланишини таъминлаш лозим. Бунда қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратиш муҳим аҳамиятга эга.

Биринчидан, жойлардаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг самарали фаолиятига ҳалақит бераётган, тўсқинлик қилаётган ёки қилиши мумкин бўлган муаммоларни мунтазам равишда ўрганиб бориш ва ўз вақтида бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш; ҳудудда бўш ёки самарали фойдаланилмаётган бино ва иншоотлар тўғрисида аниқ маълумотларни қисқа муддатларда олиш ҳамда уларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига тақдим этиш жараёнларини самарали ташкил этиш.

Иккинчидан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти учун янада қулай муҳит яратиш борасида ҳар бир ҳудуддаги ўзига хос хусусиятларни аниқлаш ва улардан келиб чиққан ҳолда мавжуд барча имкониятларни сафарбар этиш, ушбу фаолият турини ташкил этиш ва амалга ошириш йўлидаги ҳар қандай бюрократик тўсиқларни бартараф этиш. Шунингдек, ҳудуддаги кичик бизнес субъектларининг энергия, газ, сув ва канализация, иссиқлик таъминоти ва бошқа шу каби муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланиш жараёнларига эътибор қаратиш, бу борадаги илғор тажрибаларни қўллаш.

Учинчидан, маҳаллаларда оилавий бизнесни ривожлантириш бўйича мавжуд имкониятлар ва уларни рўёбга чиқариш йўлларини аниқлаш, шу асосда оилавий бизнесни ташкил этишнинг намунавий шаклларини тавсия этиш ва қўллаб-қувватлаш, ҳудудда фаолият юритаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг фаолият йўналишлари жиҳатидан таркибини такомиллаштириш чора-тадбирларини қўллаш, хусусан, саноат соҳасида, юқори технологияларни талаб этадиган замонавий ишлаб чиқариш тармоқларини ташкил этишда, илғор илм-фан ютуқларига асосланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантиришнинг турли йўл ва чораларини излаб топиш. Шунингдек, ҳудуддаги экспортга маҳсулот чиқарувчи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига аниқ ва таъсирчан ёрдам кўрсатиш орқали уларнинг ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги иштирокини кенгайтириш ва бошқалар шулар жумласидандир.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш аҳолининг турмуш даражасини ва фаровонлигини янада оширишда, республиканинг иқтисодий салоҳиятини кўтаришда муҳим омиллардан бири бўлиб қолади. Бу эса ўз-ўзидан кичик ва хусусий бизнес корхоналарининг ривожланиши мамлакатда ўзига хос иқтисодий ва ижтимоий аҳамиятга эга эканлигини билдиради. Яна шуни ғурур билан айтиш керакки, Соҳибқирон бобомизнинг: “Тажрибамда кўрилганким, азми қатъий, тадбиркор, ҳушёр, мард ва шижоатли бир киши мингта тадбирсиз, лоқайд кишидан яхшироқдир”,- деган сўзлари бугун ҳаётий ҳақиқатга айланиб бормоқда.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1997.- 330 б.

2. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ.- Т.: Шарқ, 1998.- 32 б.

3. “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” Давлат дастури тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. 2011 йил 7 февраль. / Халқ сўзи.- 2011.- 10 февраль.

4. Шодмонов Ш., Ғофуров У. Иқтисодиёт назарияси. - Т., 2007.- 416 б.

5. Қосимова М.С., Шодибекова Д.А., Юсупов М.А. Самадов А.Н. Кичик бизнесни бошқариш. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2005.– 240 б.

6. Прикладная экономика. Пер. с англ. – М.: Правда, 1993. – 128 с.

Фарғона давлат университети,
2015 йил 4 сентябрда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. Т.Абдуллаев)